



# IJIRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

**Impact Factor: 7.569**



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

# Analysis of the Social Effects of Globalization and the Negative and Positive Sides of the Globalizing World

Ruziev X.D.<sup>1</sup>

Tashkent State Pedagogical Institute named after Nizami, "Fundamentals of Spirituality and Law Education" teacher,  
Uzbekistan<sup>1</sup>

**ABSTRACT:** The article provides a detailed analysis of the complex processes of globalization, that is, its negative and positive impact on countries around the world. In the modern era of globalization and the rapid development of information technologies, the penetration of the culture of peoples through the Internet and the rapid spread of mass culture among the population and a serious impact on the culture of peoples are discussed.

**KEYWORDS:** Globalization, society, values, culture, state, mass culture, civil society, rule of law, democracy, information.

## ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЖАМИЯТГАН ТАЪСИРИ ВА ГЛОБАЛЛАШАЁТГАН ДУНЁНИНГ САЛБИЙ ВА ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ ТАХЛИЛИ

РузиевХ.Д.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти

"Маънавият асослари ва хукуқ

таълими" кафедраси ўқитувчиси

e-mail: [hamidullaruziyev@gmail.com](mailto:hamidullaruziyev@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада глобаллашувнинг мураккаб жараёнлари, яъни, бутун дунё давлатларига салбий ва ижобий таъсирлари атрофлича таҳлил қилинган. Глобаллашув бугунги ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган даврда халқларнинг маданиятига интернет орқали кириб бораётгани ва оммавий маданиятнинг ахоли орасида тезлик билан тарқалиши ва халқларнинг маданиятига жиддий таъсир ўтказиши мухокама қилинади.

**Калит сўзлар:** Глобаллашув, жамият, қадрият, маданият, давлат, оммавий маданият, фуқаролк жамияти, хукукий давлат, демократия, ахборот.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари шиддат билан ривожлана бошлади. Замонавий ахборот технологияларининг бекиёс ривожи ва ягона жаҳон ахборот маданиятининг шаклланиши бу жараённи янги босқичга кўтарилишига олиб келди. Глобаллашув мураккаб тарихий жараёндир, глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий-техник ва информацион воқеликлар дунё давлатларини чамбарчас бирлаштириб туради. Бугунги кунда илмий-техник тараққий этган давлатларнинг дунё давлатлари ички сиёсатига, иқтисодига, ижтимоий ҳаётига ҳам таъсирни каттадир. Жамиятлар ҳаётининг турли соҳаларига бўлган таъсирининг кескин намоён бўлиши эса сиёсий адабиётларда "глобаллашув феномени" деб ҳам номланмоқда. "Глобаллашув" ибораси 1983 йилда америкалик сиёсатшунос олим Т.Левитта томонидан истеъмолга киритилган. Янги атамага янада кенг маъно Гарвард бизнес-мактабида берилди. Бу атаманинг асосий тарғиботчиси япон олими К.Омэ бўлиб, у 1991 йилда "Чегарасиз дунё" асарини чоп эттирган. Бу асарда глобаллашув тушунчасининг мазмун-моҳиятиночиберишга ҳаракат қилган [1].

Глобаллашув жараёнининг бошланиш даври бўйича ғарб олимлари ҳамтурли фикрларни илгари суриб келмоқдалар. Жумладан, Р. Кобденва Ж. Брайт каби олимлар глобаллашув тўлқинларини мамлакатлар ўртасида эркин савдонинг амалга ошуви ва унинг натижасида иқтиносидаги ўсиш билан боғлайдилар ҳамда унинг бошланиш даврини XIX ва XX аср билан чегаралайдилар. Уларнинг фикрича, Британия ўзининг денгиз, индустрия ва молиявий курдати билан глобаллашув тўлқинининг биринчи босқичи сифатида бошланган, Улар глобаллашувнинг иккинчи босқичи ёки тикланишини 1970 йилларнинг охирларида информатика ва телекоммуникацияда содир бўлганинқилоблар асосида бошланганлигини таъкидлайдилар [2].

«Глобаллашув» бўлакларнинг иириклишуви бир бутун ҳолатига келаётганлиги дир. Яна ҳам аникроғи, юксак даражада тараққий хилган мамлакатларнинг кучли босими остида у миллатлар, мамлакатлар ва минтақаларнинг барча соҳалар бўйича бир бутунлиги вужудга келишининг кўришини, намоён бўлишининг ифодасидир [3].

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида глобал тараққиёт ҳақида кўйидаги фикрларни билдириб, - “ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви” [4], дея таъкидлайди. Яна таъкидлаш жоизки, ушбу асарда ёзилганидек, “Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан иккиси хил мақсадда – эзгулик ва ёзулида фойдаланиш мумкин”.

Глобаллашувнинг жамият тарбиясига ўтказаётган салбий таъсири информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон алоқалари, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши дидир. Бу замонавий воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ахолининг турли қатламларини ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоклаштириб кўйимоқда, бошқача қилиб айтганда ўзига хос “маънавиятсиз индивид”ларнинг шаклланишига олиб келмоқда. “Оммавий маданият”нинг турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши булар асосан кийиниша, қизикишларда, бўш вақтни ўтказиша, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга ноўрин муносабатда намоён бўлмоқда. Булар эса беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти асослари барпо этилаётган ҳамда ҳозиргиглобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий дунёкарашни фуқаролар онгода шаклланишида, маънавий фазилатларини ривожлантирувчи омиллар тизимида аждодларимиз орттирган бой тарихий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган бадиий тафаккур дурданаларидағи бой маънавий-маърифий илмий фикрлар мухим ўрин тутади. Аммо, минг афсуски, фуқоролик жамиятининг ривожланишида ижобий омиллардан ташқари салбий омиллар ҳам мавжуд. Бугун ҳалқимизга таъсир қиласётган оммавий маданиятнинг салбий оқибатлари ва иллатларини олдини олиш, бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб мавзулардан биридир. Глобаллашув жараённинг салбий оқибатларини, “оммавий маданият” никобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли, нохолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг хукукий-сиёсий онгини, ахлоқий, эстетик маданиятини, ижтимоий-сиёсий дунёкарашини юксалтириш талаб этилади. Жумладан, амалдаги давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ёшларнинг хукукий онги ва хукукий маданияти шаклланиши ҳақида шундай фикрларни билдиради, - “Биз жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур. Хукукий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўнникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор” [5]. Харакатлар стратегиясида эса “ахолининг хукукий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш” [6] лозимлиги таъкидланади.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли мураккаб масаладир. Демократик жамият қурилиши даврида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши ва ижодий меҳнатда, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Талабалик йиллари - ёшлар ҳаётининг энг мухим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва актив жиҳатдан камолотта етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш ўйлида изланадилар, жўшкин ва эркин фикрли бўладилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври - орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини, давлатимиз белгилаб берётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар.

Жамият аҳлини миллий ва умумбашарий қадриятларга, маданият дурданаларига болаликдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда оммавий маданиятга хос айрим кўринишларга танқидий муносабатни, аксилимданиятга, турли бузгунчилик ғоялари ва ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталики таъминланиши, фуқаролар, айниқса, ёшлар илмли, маърифатли бўлиб, илм-фан йўлида эркин ижод қилишлари ҳамда таълим йўналишида кенг имкониятларни яратиб беришимиз жамият тараққиёти сари интилишга хизмат қилади. Булар эса ўз навбатида четдан кириб келадиган турли экстремистик ғоялар, ақидапарастларнинг даъватлари, “оммавий маданият” иллатларининг зарарлиятсирлари, гоявий таҳдидлари, турли маънавий тажовузлар ўз таъсирини ўтказа олмаслигини таъминлайди. Глобаллашув шароити, интернет, телекоммуникация соҳаларида мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг кундалик ҳаётга татбиқ этилиши замонавий ёшларнинг дунёкараши ва ҳаётга бўлган муносабатини ҳам ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Чунки бундай тезкор дунё билан ҳамнафас яшаш учун бугунги кишилардан кўп нарсани билиш ва ижтимоий фаоллик талаб этилмоқда. Чунки ахборотлар алмашинуви шиддат билан тезлашиб бормоқда. Уни ёшларда факат дахлдорлик ҳисси орқали шакллантириш мумкин. Салбий томондан эса бугунги кунда ёшлар орасида тақлидчилик, бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларнинг кучаятганилиги ва янада авж олётганилиги кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозалари, ўзга маданиятлар акс этган ва ахлоқсиз жанрдаги кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини маълум маънода заҳарлаётганини сезиши қийин эмас. Ижтимоий тармоқлардаги куплаб экстремистик, ахлоққа зид бўлган гурухлар, ижтимоий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган сайтлар ҳам кўзга ташланмоқда. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишидан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни, видеороликларни томоша қилиш одат тусига кириб оммавийлашиб бормоқда. Бу жараён эса ўз-ўзидан ёшлардаги дунёкарашни шаклланишида салбий омилларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Халқимизнинг дунёкараш шаклланишида ахборотланинг соғлиги, илмий аҳамиятлиги, асосланганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги глобаллашув асрини ахборот коммуникация асрига қиёсланиши ўз маъно-моҳиятига кўра ахборотлар оқимиининг нечоғлик қудратли қуролга айланиб улгурганидан далолат бермоқда. Зеро, бугунги ғоялар тўқнашуви, энг аввало, турли фикрлар ва тафаккурлар кураши асосида содир бўлмоқда. Бу курашда “ракиб зарбаси” учун қулай бўлган заиф, ҳимоясиз жойни қолдириб бўлмайди. Шундай ҳолат юз берганда, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт карашлар, бегона ва зарарли ғоялар кириб келиши холатлари ҳам кузатилмоқда. Интернет оламидаги ахбороотларнинг шиддат билан тарқалиши куйидаги хавф-хатарларни келтириб чиқаради:

Биринчидан, ғоявий курашнинг энг фаол ва энг ишончли ва самарали куроли ахборотдир. Яъни, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг асосини ҳам, дунё давлатларининг инсоният тақдирига дахлдор бўлган қарорларининг манбанини ҳам ахборот ташкил этади. Ахборот урушида, энг аввало, психологик қонуниятлар ва таъсиirlар инобатга олинади, чунки унинг асосий мақсади инсоният онгини эгаллаш ва бошқаришдир. Дунё ахолисининг деярли 80 % турли йўсиндаги ахборотларга ишонувчандир.

Иккинчидан, ахборот психологик курол бўлиб, бу ҳозирги кунда энг замонавий оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, Интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжалланганидир. Бунда бошқа бир ижтимоий гурух манфаатларидан катъий назар, уни ўзига тобе қилиш, ўз қадриятларига кўндириш, бўйсундиришга қаратилган узокни кўзлаган сиёsat амалга оширилади. Биргина кичик мисол, ёш болаларни суицидга тарғиб қиладиган “Кўк кит” ва шунга ўхаш ўйинлар интернет тармоғида тарқалиб танага зарар етказиш ва охир оқибат ўзини ўлдиришгача олиб борувчи жихатлари билан куплаб болаларни ўлимiga сабаб бўлган эди.

Учинчидан, бугунги кунга келиб, турли гараз ниятили гурухлар ўз манфур ниятларини амалга оширишда ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда. Жумладан, террорчи ҳаракатлар умумий фаолиятининг 90 фоизи Интернет, ахборот технологиялари билан бевосита боғлик. Гурухга жалб қилувчи даъватлар, ҳаракатга доир видеороликлар, фотожараёнлар веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Биринчи Президентимиз И.Каримов: “...Агарки биз XXI асрда, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини айниқса, чукур хис қиламиз. Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иктисодий инқироз

ва унинг оқибатлари янада чукурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб килади”[7], деб куйинчаклик билан таъкидлаган эди.

Интернет тармоғидаги ахборот хуружларни олдини олиш бўйича Европа Хавфсизлик Кенгашида интернет муаммолари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Масалан, Германияда 1997 йилдан бошлаб ёшларга зарар келтириши мумкин бўлган материалларни текширадиган федерал бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Унинг ваколатлари доирасига нобоп ва сотишга рухсат этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, элетрон китоблар, видеофильм ва видеороликлар, компьютер ўйинлари каби) рўйхатини тузиш ва мазкур йўналишда қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари киради. Ҳозирги вақтда Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар қонунчилигига ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатгани учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган [8]. Ҳозирги даврда глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатаётган бир шароитда миллий маънавият, миллий ўзликни англаш, қадриятларимиз тикланиши ва маънавий юксалиш жараёнларига юрганинг асосий эътибор қаратилмоқда.

Фаробийнинг айтишича: “Инсоний вужуддан мақсад – энг олий баҳт-саодатга эришувири; аввало у баҳт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувини ўзига ғоя ва энг олий мақсад килиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак” [9] деб таъкидлайди.

Глобаллашув жараёнлари жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига салбий таъсирини ўтказиши билан бирга бу жараённинг қўйидаги ижобий натижалари ҳам мавжуд:

- глобаллашув ғоялар, инвестиция, капитал, техника, инновация ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб кенг миқёсда тарқалиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланади;

- глобаллашув борган сари кучайиб бораётган демократик жараёнлар натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражаси юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралади;

- глобаллашув турли маданиятлар ва қадриятлар тизимлари ўргасидаги ўзаро таъсирнинг кучайиб боришига замин ҳозирлаб, дунё миқёсида демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуклари ва асосий эркинликларининг кафолатини шакллантириш тамойилида ўз ифодасини топади;

- глобаллашув айрим инсонлар, гурухлар, оиласалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзgartириш ва молиявий муносабатлар билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга эга бўлишдан иборат.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамият қуришнинг ривожига кенг асос солган биринчи Президентимиз И.А.Каримов қурилажак фуқаролик жамиятнинг миллий жиҳатлари ва илмий манбаларини қўйдагича ифодалаб берди: “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлди, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимизилдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак...” [10]. Таъкидлаш жоизки глобаллашув шароитида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй беравермайди. Бу жамиятнинг шаклланиши учун фақат ҳуқуқий давлатгина ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериши мумкин. Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шарти эса давлат ҳоқимиятининг учга бўлиниш принципини ҳаётда амалга оширилиши ва ОАВларининг эркин фаолият юритишида намоён бўлади. Энг эътиборли томони шундаки фуқаролик жамиятини ривожланишининг ҳуқуқий эркинликлар етарли бўлмаган давлатларда жаҳон ҳамжамияти томонидан турли тавсиялар ва сиёсий ўтиқномалар асосида ҳам шакллантариш холатлари жаҳон тажрибасида кузатилдади. Бундай тавсияларни БМТ ёки бошқа ҳалқаро ташкилотлар, минтақавий иттифоқлар, жаҳон рейтинг ташкилотлари каби йирик субъектлар амалга оширадилар. Бугунги кунда дунёда 40 000 дан ортиқ ҳалқаро фуқаролик жамияти институтлари мавжуд.

Ўзбекистонда глобаллашув шароитида фуқаролик жамияти барпо этишга доир ислоҳотларни ривожланган демократик мамлакатлар ва ҳалқаро ҳамжамиятлар тажрибасидаги демократик қадриятлар асосида амалга оширишига катта эътибор берилди. Чунки, демократик қадриятлар нафақат ҳалқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги, балки ўзбек ҳалқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам ислоҳотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди. Мамлакатда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган демократик қадриятларни Биринчи Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича таърифлаган эди: “Маълумки, демократик жамиятнинг ҳалқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг

хукуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлаторганларининг сайловчи ташкилотлар олдидағи жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”[11].

Глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланар экан фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларида эркинлаштириш мафкурасини миллый қадриятлар ва анъаналар билан уйгунаштириш асосида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал тамойилига асос солинди. Мамлакатдаги демократик ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг устувор вазифаси сифатида “...давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айни пайтда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, ахоли турли қатлам ва гурухларнинг туб манфаатларини ифодалайдиган ва химоя қиласидиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузулмалар ролини кучайтириш”[12] йўли танланди.

Глобаллашув шундай мураккаб жараёнки, уни чукур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий хаёти ва маънавиятини жамлаб дарёдақаётган шиддатли бошқарувсиз қайиқка топшириб қўйиш билан баробар бўлади.

## REFERENCES

1. [1] ОмЭ.К. Безграничный мир. -М.:1991. -С.29-30
2. [2] Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. -Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк: 2006, 163-бет.
3. [3] С.Отамуратов. “Глобаллашув ва миллат” Тошкент. Янги аср авлоди. 2008й. 19 бет.
4. [4] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Т., Ma’naviyat, 2008,111-бет.
5. [5] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан
6. [6] Ш.М.Мирзиёев.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналишлари бўйича “Харакатлар стратегияси”
7. [7] Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буйук келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 14-15-бетлар.
8. [8] Кодирова З. Ахборот хуружининг ёшлар дунёқарашига таъсири. Тўплам. Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. –Т.ЎзМУ,2012, 151-б
9. [9] Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т-2001 й. 75-бет.
10. [10] И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1996. 7 бет.
11. [11] И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч” –Т.: Маънавият, 2008.[12] И.А.Каримов. Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъзуза. 2008 йил 5 декабрь – Т.: Ўзбекистон, 2008.6-бет.



**Impact Factor:**  
**7.569**



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

**9940 572 462** **6381 907 438** **ijirset@gmail.com**

[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)



Scan to save the contact details